# ҲАР ҚАЙСИ ИНСОН БУЮК КУЧ СОҲИБИДИР. ФАҚАТ УНИ УЙҒОТА БИЛИШ КЕРАК!

Ислом КАРИМОВ




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 12 декабрь, №269 (3097) Пайшанба


## Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳон етакчилари орасида энг юқори рейтинг эгаси

Шу кунларда Американинг ижтимоий тадқиқотлари билан дунёга танилган нуфузли Пью Рисерч Сентер тадқиқот маркази 2002 йилда дунёнинг асосий 44 та мамлакатида ўтказилган "Глобал ижтимоий муносабат" ижтимоий фикр сўрови натижаларини эълон қилди. МДҲ мамлакатларидан сўров Ўзбекистон, Россия ва Украинада ўтказилди.

Сўров натижалари кўрсатдики, мамлакатлар фуқароларининг ўз етакчиларига муносабати жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов дунё давлат раҳбарлари орасида энг юқори рейтингга эга, сўралганларнинг 95 фоизи унга хайрихоҳлик билдирган. Муқояса қилинадиган бўлса, Президент В.Путин фаолиятини 85 фоиз, Президент Ж.Бушни 71 фоиз, Франция Президенти Жак Ширакни 62 фоиз, Германиянинг федерал канцлери Герхард Шредерни 57 фоиз, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрни 54 фоиз, Президент Л.Кучмани эса 33 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлаган.

Сўров натижаларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизи мавжуд иқтисодий вазиятни жуда қулай деб баҳолайди, бу эса Хитой (92 фоиз), Канада (70 фоиз), Буюк Британия (65 фоиз)дан сўнг тўртинчи кўрсаткичдир. Россия ва Украинада ушбу кўрсаткич тегишлича 13 ва 10 фоизни ташкил этган.

Дунёнинг тадқиқ этилаётган мамлакатлари аҳолисининг мамлакат ички сиёсатига муносабатини баҳолаш мақсадида мазкур мамлакатда яшаётганингиздан розимисиз, деган мазмунда савол берилган. Сўров натижаларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 69 фоизи ўз мамлакатида яшаётганидан рози эканини билдирган. Кейинги ўринларда Канада (56 фоиз), Хитой (48 фоиз), АҚШ (41 фоиз), Чехия (36 фоиз), Буюк Британия (32 фоиз) туради. Россияда бу кўрсаткич 20 фоизни, Украинада борйўғи 10 фоизни ташкил этган.

Шуни айтиш керакки, Американинг мустақил ижтимоий маркази тадқиқотларидан бутун дунёдаги сиёсий арбоблар, илмий, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари кенг фойдаланади. У ўтказган глобал сўров натижалари халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама этилмоқда. Сўров натижалари Ўзбекистон танлаган мустақил тараққиёт йўли тўғри ва самарали эканини ҳамда мамлакатимиз аҳолиси Президент Ислом Каримов олиб бораётган ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватлашини яна бир бор исбот этди.

**(ЎзА).**



## БУГУН ТОШКЕНТДА ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

*Парламент ишига фаоллик тилаймиз.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентининг ўнинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Б. Бугровнинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритилаётган масалаларни муҳокама этдилар ва уларни ўнинчи сессия ишининг кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М. Нурмуродовнинг ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилга мўлжалланаётган Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳақидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш қатнашчилари мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг жорий йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг келгуси йил учун мўлжалланаётган Давлат бюджети лойиҳасини маъқулладилар ва уларни парламентнинг ўнинчи сессияси муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидованинг маърузаси асосида Кенгаш Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия таркибига ўзгартишлар киритди.

Йиғилиш қатнашчилари Олий Мажлис ўнинчи сессиясининг Котибияти таркибига тавсия этилаётган, сиёсий партиялар депутатлар фракцияларининг, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлари блокларининг раҳбарлари билан келишиб олинган номзодларни ҳам кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман.

Аминманки, бу муқаддас байрам инсониятнинг бахт-саодати учун ислом дини тараққиёти ва ривожланиш йўлида дунёдаги барча мусулмонларни бирлаштиради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, омонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

**Иажуддин АҲМАД,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Муборак Рамазон ойининг тугаши ҳамда муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимизни йўллайман.

Ишонамизки, Малайзия ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам икки давлат манфаатлари йўлида ривожланаверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган самимий эҳтиромимизни қабул этгайсиз. Аллоҳ таъоло Ийд ал-Фитр кунлари Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат ато этсин.

**Султон Туанку Саид Сирожиддин**
**Саид Путра ЖАМАЛУЛЛАЙЛ,**
**Малайзия Подшоҳи.**

## Партия фракциясида

Кеча "Адолат" социал демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси аъзоларининг сессияолди мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламентимизнинг навбатдаги Х сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама этилди. Йиғилишни фракция раҳбари Т. Даминов олиб борди.

Фракция аъзолари сессия кун тартибига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида ҳам фикр юритилди. Партиядан сайланган депутатлар Давлат бюджетининг лойиҳасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига кенг ўрин берилганлигини таъкидладилар. Фракция аъзолари сессия кун тартибини бир овоздан маъқулладилар. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Бешовнинг бири — Нишон

*туманда «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси қандай амалга оширилаётир?*

Бу йил Нишон туманида 18640 гектар ғаллазордан 72068 тонна ғалла йиғиштириб олинди. 21500 гектар пахта майдонидан 41500 тонна ҳосил саранжомланди. Пахта ҳосилдорлиги 3 йилда 14,7 центнердан 23,3 центнерга кўтарилди.

Хўш, Нишонда ҳосилдорликни бундан ҳам кўпайтириш имкони борми? Пахта ва ғалла етиштиришда янада яхши натижаларга эришиш мумкинми? Мумкин. Бунинг учун, албатта, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор ва дренаж тармоқлари, суғориш шохобчаларини тартибга келтириш, хўжаликларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш, муҳими, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 ноябрдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари», 2002 йил 15 февралдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида

**Қарор ва ижро**

«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари айнан шу мақсадларни кўзда тутади. Мазкур қарорларга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, шунингдек, Марҳамат, Нишон, Шеробод, Оҳангарон туманларида 5 йил давомида хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги ирригация шохобчаларини реконструкция қилиш ва қуриш, муқобил машина-трактор парклари ва агросервис марказларини жиҳозлаш учун кредит ажратиш, шунингдек, хўжаликлар томонидан айланма маблағларни тўлдириш ҳамда техника ва асбоб-ускуналар сотиб олиш белгиланган эди. Бундан ташқари, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасида мазкур туманларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетингини синаб кўриш ҳам мўлжалланганди.

Беш туманнинг бири — Нишонда бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини таркибий қайта тузиш агентлиги Нишон тумани филиали директори Абдулла Очиловнинг айтишича, Қашқадарё вилояти коллектор-дренаж тизимларини ишлатиш бошқармаси, Нишон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари

**(Давоми 3-бетда).**

## ИКУО ХИРОЯМА - ТОШКЕНТНИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бу жараён, айниқса, фан-таълим ва санъат соҳаларида яққол кўзга ташланади. Жаҳон миқёсидаги таниқли рассом, жамоат арбоби, Токио нафис санъат ва мусиқа миллий университети президенти Икуо Хирояманинг юртимизга қайта-қайта келиши ҳам халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг тобора мустаҳкамланаётганидан далолат.

Япониялиқ меҳмон бу галги ташрифини Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтидан бошлади. Унинг замонавий япон рангтасвир санъати мавзуидаги маърузаси институт илмий кенгаши аъзоларида яхши таассурот қолдирди.

Икуо Хирояманинг кўргазмалари жаҳоннинг кўплаб музей ва галереяларида намойиш этилган. Мўйқалам устасининг Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида очилган бу галги кўргазмаси "Икуо Хироямa: Буюк Ипак йўлида" деб номланган. Унда рассомнинг элликдан зиёд энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Икуо Хироямa пойтахтимизнинг Фахрий фуқаролигига қабул қилинди. Фуқаролик гувоҳномасини топширар экан, Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов Хирояманинг пойтахт марказида ўзбек ва япон халқлари дўстлигининг нишонаси сифатида қад растлаган "Маданият карвонсаройи"ни бунёд этишга катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Икуо Хираяма Буюк Ипак йўлида" деб номланган кўргазма очилди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 12 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 12 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Маърифат соати

## Навоий ибрати

Бир маросимдан икки киши суҳбат қилиб қайтиб келмоқда эдик. Тонг. Тошкент марказининг кўркам кўчалари кузнинг сафобахш гўзаллиги билан чулғанган. Метрога яқинлашганимизда икки йўлдош бизга дуч келиб саломлашишди. Гарчи шахсан таниш бўлмасак-да, дарҳол уларга алик қайтариб сўрашдик. Сўнг йўл-йўлакай суҳбатлашиб бирга йўлда давом этдик. Янги ҳамроҳларимиз ҳам биз қатнашган маросимдан қайтишмоқда эканлар. Улар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислардан. Сўз шеър ва шоирлар тўғрисида кетди.

Суҳбат давомида улардан бири мумтоз шеъриятдан бир байт ўқиди. Бу байт кучли, дард билан тўла таъсирчан бир шеър эди. Бу байтнинг мазмуни Навоийнинг шеър қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисидаги фикрига ҳамоҳанг.

***Эй Навоий, сену Хисрав била Жомий таври***
***Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз.***

**Маъноси:**

Эй Навоий, сен Хисрав Деҳлавий ва Жомий сингари бўл.

Шеърда (сўзда) чирой ва ранг-баранглик эмас, дард ва куйиб-ёниш бўлмоғи керак.

Биз тинглаган ўша байт худди шундай Навоийдан ибрат олиб юзага келган илҳом самараси эди. Биз шеър ўқиган ҳамсуҳбатимизга таҳсин айтдик. Шунда у кишининг шериги бизга деди:

— Бу дўстимиз, гарчи сув хўжалиги мутахассиси бўлса-да, шеър ёзади, яъни шоирлик ҳунари ҳам бор.

Метро бекатида бу ёқимли суҳбатни бўлмоққа тўғри келди. Шеър ва шеърият тўғрисидаги сўзларнинг хуш кайфияти остида янги ҳамроҳлар билан хайрлашдик.

Бизнинг халқимиз шундай шоирона халқ. Кўпчилик ким, қайси вазифада ёки ҳунарда машғул бўлмасин вужудига адабиёт ва шеъриятни сингдирган, шундан баҳра топиб яшайди. Айрим ижодкорлар ҳам аввал ўз ҳунари билан шуғулланган, сўнгра эса ижод шуури уларнинг ҳаётига мазмун бахш этган.

Ўзбекистон халқ шоири Чархий тўқувчи уста гулабардор эди. Яна ҳаттотлик ҳунари ҳам бор эди. Навоийшунос олим ва шоир, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Боқий домулла боғбон эди. У киши хусусан токларни пайванд қилмоққа моҳир бўлган. Андижонлик шоир Улфат ҳисобчи — бухгалтер бўлиб ишлаган. Фироқий деган қўқонлик шоир қассоблик қилар эди. Пуристеъдод шоир ва педагог Омонуллахон Боқир математика муаллими эди.

Мен фақат ўзим шахсан таниган замондош шоирлардан баъзиларинигина эслатдим. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, у жойларнинг ўз шоирлари, шеърият ишқибозлари ва танқидчилари бор. Уларнинг эътирофини қозонмоқ осон иш эмас. Бу ҳол адабиётнинг халқимиз ҳаётига қанчалик сингиб кетганини билдиради. Ҳалол меҳнати, закоси ва таланти, ўз қўл кучи билан ишлаб топган даромадига тирикчилик қилиб, бошқа вақтини ижодга сарф этган зотлар жамиятдаги ибратли кишилардир.

Бу ҳам Навоий ибрати. Чунки Навоийнинг ўзи ҳам давлат хизматидан ташқари яна зироат (деҳқончилик) билан шуғулланганини «Вақфиййа» асарида кўрсатиб ўтган: ... Бирор нима зироатқа иштиғол кўргуздум...

Навоий ўз ижоди билан жамият аъзоларининг маънавий такомил касб этмоғи йўлида хизмат қилди. Унинг қаҳрамонлари Лайли, Баҳром, Дилором, Искандар... халқ ҳаётида чуқур ўрин эгаллаган. Ҳозирда орамизда уларнинг номлари билан аталган фарзандлар беҳисоб. Бироқ ҳамма гап ўша юксак фазилатлар эгаси бўлмиш зотларнинг номини олишда эмас, балки уларнинг хислатларини ўзида касб этмоқ, ўшаларга ўхшаш бўлмоққа интилув, шу билан Навоий ибрати орқали маънавий такомилга эришмоқликдадир.

Ўз замондошлари ва келажак авлодга эзгулик дарсини ўқитар экан, Навоий инсоннинг маънавий такомили нималардан иборат эканини бирма-бир кўрсатиб ўтган.

Киши ҳеч қачон, ҳеч кимга ёмонлик қилмасин. Шунда ўзи ҳам ёмонлик кўрмайди:

***Фил эрса агар ҳасминг (душманинг) десангки зарар кўрмай***
***Бир пашшага оламда етказма зарар ҳаргиз.***

Агар бир кўнгли чўккан одамнинг кўнглини кўтариб бошини силасанг, гўё бузилиб ётган Каъбани обод қилгандай бўласан:

***Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай***
***Онча борки, Каъба вайрон эрса обод айлагай.***

Минг йил муроду мақсадингга етиб шоду хуррамликда яшаганинг ўзгаларни муродига етказмакка сарф этган бир лаҳза умрингга арзимайди:

***Кимса минг йил Комронлик қилса билким, арзимас***
***Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била.***

Навоий бундай оқилона ўгитларни кўп айтган. Охири шоир лўнда қилиб ўз ўқувчисига хитобан дейди:

***Навосиз улуснинг навобахши бўл!***
***Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!***

яъни иқболсиз, саодатсиз кишиларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўргаз, агар Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўлгин!

Академик ёзувчи Ойбек Тошкентда биз яшаётган жойга яқин кўчада истиқомат қилар эди. Ҳозир бу ҳовлида унинг уй-музейи жойлашган. Мен бу улуғ зот билан хизмат соҳасида тез-тез учрашар эдим. Инсонпарварлик, ҳаммага яхшилик қилиш ва яхшилик исташ, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва поклик, ўз ҳаёти ва ижодини бошидан охиригача халқига бағишлов жиҳатидан устоз Ойбек ҳамиша Навоийни эслатади. У улуғ Навоий тўғрисида гўзал роман ва достонлар яратган, Навоий ҳаёти ва ижодига оид мазмундор илмий тадқиқотларнинг муаллифидир. Менинг тасаввуримда Ойбек тирик Навоий каби эди. Ким Ойбекни кўрган, уни яхши билган бўлса, бу фикрга қўшилса керак.

Навоийни, унинг ижоди, дунёқараши, фазилатларини яхши билган ва қалбига сингдириб, ибрат олиб Навоийсимон бир вужудга айланиб кетган зот эди Ойбек.

ХХ асрнинг етмишинчи йиллари. Тошкент давлат Маданият институтида Навоий ҳақида дарс ўтаётганимда бир студент ёзма равишда савол берди: «Сиз Навоийни идеаллаштирмоқда эмасмисиз?»

Саволга шундай жавоб қайтарганман:

— Сизнинг саволингизга атоқли шарқшунос олим, профессор Евгений Бертельс 1948 йилда жавоб берган эди. Мен ҳозир шу жавобни такрорлайман: «Бизни гоҳо Навоийни идеаллаштиришда айблайдилар. Ахир, Навоий шундай инсон бўлганки, уни идеаллаштирмаслик мумкин эмас!»

Идеал жамият қурмоқ учун идеал ибратлар керак. Аммо улар сунъий, зўрма-зўраки, махсус ўйлаб топилган, ясама ибратлар эмас, балки буюк ва олийжаноб ғоя ва мақсадларга ҳаётини бағишлаган, элу юрт, жамият, халқ учун яшаган, фаолият кўрсатган, ижод қилган улуғлар ибрати керак. Навоий ибрати ана шунинг ёрқин тимсолидир.

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**академик.**

# ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРДА



Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни мазкур қўмита раисининг ўринбосари Р.Каримов олиб борди. Қўмита аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилги лойиҳаси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов, «Пул-кредит сиёсатининг 2003 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» ҳақида Марказий банк раисининг муовини М. Жумагилдиевларнинг ахборотларини тингладилар. Сўзга чиққанлар депутатларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бериб, улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга молик эканлигини таъкидладилар. Йиғилишда Олий Мажлис ўнинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди ва бир овоздан маъқулланди.

* * *

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Н. Исмоилов бошқарган йиғилишда сессия кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонун лойиҳалари ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, жорий йилда қўмитада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди.

Йиғилишда сессия кун тартиби бир овоздан маъқулланди.

* * *

Кеча Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси И. Қаландаров олиб борди. Йиғилишда Олий Мажлиснинг X сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилиниб, бир овоздан маъқулланди. Шу билан бирга, депутатлар томонидан қўмитанинг 2003 йилга мўлжалланган иш режаси ва бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

* * *

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси йиғилишида сессия кун тартибига киритилган «Банкротлик тўғрисида»ги, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишни қўмита раиси М. Умаралиев олиб борди ва навбатдаги ўнинчи сессия кун тартибига киритилган масалаларга тўхталди.

«Банкротлик тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида Макроиқтисодиёт ва статистика вазири ўринбосари, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси Г. Саидова ахборот берди.

Қўмита аъзолари сессия кун тартибига киритилган масалаларни бир овоздан маъқулладилар. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб парламентимизнинг бугун бошланажак сессияси муҳокамасига киритилган масалалар муҳокама қилиниб, маъқулланди. Мажлисда қўмита аъзолари "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун (янги таҳрири) лойиҳаси анча мукаммал тайёрланганлигини алоҳида эътироф этишди. Йиғилиш сўнггида мазкур қўмитанинг 2002 йилдаги фаолияти муҳокама этилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясида ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар сессия кун тартибини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Комиссиянинг икки сессия оралиғидаги фаолияти ҳақида комиссия раиси Ш.Хўжаниёзованинг ҳисоботи ҳам тингланди.

* * *

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни комиссия раиси Ш. Салимова олиб борди. Унда сессия кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳақида молия вазирининг ўринбосари Ш. Абдуллаевнинг ахбороти тингланди.

Комиссия аъзолари сессия кун тартибига киритилган масалаларни бир овоздан маъқулладилар.



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ, Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

## Блокларда

Кеча Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блокининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур блок раҳбари А.Саидов олиб борди. Блок йиғилиши парламентимизнинг X сессияси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишдан бошланди. Блок аъзолари парламентимизнинг навбатдаги сессияси кун тартибидан жой олган барча масалаларни бир овоздан маъқуллашди. Йиғилишда сессия муҳокамасига киритилган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ва "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги каби қатор қонун лойиҳалари меъёрига етказиб тайёрланганлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, блокнинг жорий йилдаги фаолияти муҳокама этилди. Ва кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, кеча Ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блокининг ҳам сессияолди мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни блок раҳбари Қ. Обидов олиб борди. Унда аввало Олий Мажлиснинг X сессияси кун тартибига киритилган масалалар депутатлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди. Шунингдек, молия вазири М. Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳақида, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонун лойиҳалари ҳақида ахборот бердилар.



# Масъуллик туйғуси

*Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин ВОҲИДОВ билан суҳбат*

**— Эркин ака, маълумки, Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси том маънода энг йирик, энг нуфузли анжуман ҳисобланади. Унда қўмита ва комиссиялар ўтган вақт оралиғида амалга оширган ишлар сарҳисоб этилади, келгуси мақсад-вазифалар белгилаб олинади. Миллат, халқ, жамият ва мамлакат тараққиётини ифодаловчи қонуний ҳужжатлар қабул қилинади. Масалага шу жиҳатдан ёндошсак, бугунги сессиянинг ўзига хос жиҳатлари нимада, деб ўйлайсиз?**

— Ушбу сессия Конституциямизнинг ўн йиллиги тантанали нишонланган кунлар шукуҳи давом этаётган ажойиб бир паллада ўтмоқда. Бунда ҳавас қилса арзигулик рамзий маъно бор. Ўн йил, эҳтимол, замон нуқтаи назаридан кўҳна тарих олдида киприк қоқгулик фурсатга тенгдир. Лекин у инсоният, қай бир миллат ёки давлат ҳаётида муҳим из қолдирувчи, асрларга татигулик муддатга айланиши, шубҳасиз.

Мен Бош Қомусимизни яратишда иштирок этган, шу жараёнда қизғин муҳокамалар гувоҳи бўлган миллат вакили сифатида баралла айта оламанки, биз ўн йил муқаддам жуда хайрли ишга қўл ургандик. Асосий Қонунимиз муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида олис келажакни кўзлаб ёзилганди. Тараққий топган мамлакатлар конституцияларининг энг мақбул қирраларини, айни чоғда, халқимизнинг асрий қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган мукаммал бир ҳужжат тариқасида дунёга келганди. Ортда қолган давр мобайнида бу ҳақиқат амалий исботини топди. Истиқлолимизнинг дастлабки йилида яратилган ва қабул қилинган Конституциямиз мураккаб, қийин ва шарафли ўтиш даврида бизга, таъбир жоиз бўлса, садоқат билан, аъло даражада хизмат қилди. Ишончим комилки, у ҳали яна узоқ йиллар шундай садоқат билан хизмат қилажак.

Турган гап, ҳаёт ҳеч қачон бир нуқтада қотиб қолмайди. У бетўхтов ривожланишда давом этади. Инчунин, давр гарданимизга янги-янги вазифаларни юклайди. Шу асно Қомусимизга ҳам муайян ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилади. У тобора янги лавҳалар ила бойиб, такомиллашиб бораверади. Хусусан, эндиликда икки палатали Парламентга ўтишга, доимий асосда ишловчи қонун чиқарувчи органга эҳтиёж етилганини англаган ҳолда тўла ишонч билан таъкидлашимиз жоизки, биз шу пайтгача босиб ўтган ва ҳали босиб ўтмаган ноаён йўллар изсиз йўқолмайди. Бу йўллардаги изланишлару курашлар самарасиз кетмайди. Келгусида сайланажак парламентлар, миллат вакиллари учун бетакрор мактаб вазифасини ўтайди. Ютуқларни мустаҳкамлашга, камчилик-хатоларни танқидий жиҳатдан таҳлил этиб тузатишга, чўнг хулосалар чиқариб олишга имкон беради.

**— Бугунги сессия кун тартибига Сиз раҳбарлик қилаётган қўмита томонидан қандай масалалар тавсия қилинган?**

— Улар асосан қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасида шахсларни Халқаро жиноят судига бериш тўғрисидаги Битимни, Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида ўзбек-қозоқ давлат чегаралари, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида ўзбек-қозоқ Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилиш. Кўриб турибсизки, тилга олинган масалаларнинг ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Негизида битта олий ният — хавфсизликни таъминлаш ғояси ётибди. Сабаби аён: гарчи она сайёрамиз ягона, ою қуёшимиз танҳо эса-да, одамзотни тушуниш қийин. Ана шунинг оқибатида, дунё дунё бўлибдики, эзгулик билан ёвузлик ўртасида тинимсиз кураш боради. Инсон инсон бўлиб яралибдики, гоҳо мол-мулк, ер-сув талашади, гоҳо миллат, ирқ, қон талашади. Ёвузликнинг эса, биласиз, миллати, катта-кичиги бўлмайди. У, қандай кўринишда эканлигидан қатъи назар, аҳли башар бахтига чанг солади, тараққиёт йўлида ғов бўлади. Азиз жонлар бошига ғам-кулфат келтиради. Биз бунга кейинги йилларда рўй берган қатор халқаро террорчилик қутқулари, чунончи, ўтган йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари тимсолида қатъий ишонч ҳосил қилганмиз. Шул боис ўша мудҳиш воқеалардан сўнг курраи заминда халқаро терроризмга, диний экстремизмга, асримизнинг даҳшат-балоси — гиёҳвандлик вабосига қарши кураш тезлашди. Унда мамлакатимиз ҳам худди аввалгидек фаол иштирок эта бошлади. Натижада Ўзбекистоннинг жаҳон айвонидаги обрў-эътибори янада юксалди. Минтақамизда тутган етакчи мавқеи халқаро миқёсда тан олинди. Ҳурматли Юртбошимизнинг АҚШ, Япония, Венгрия, Литвага сафарлари ҳамда НАТО саммитида қатнашиш чоғи олға сурган фикр-мулоҳазалари, таклифлари дунё эътиборини тортди. Бинобарин, юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, кучли давлатдан кучли жамиятга деган мақсад йўлида қўйилаётган дадил қадамлар, оқилона ички ва ташқи сиёсат — буларнинг барча-барчаси ўзаро муштаракликда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган бўй-бастини белгилайди. Олий Мажлиснинг бугунги сессияси кун тартибига қўйилаётган ва қизғин муҳокама қилиниши кутилаётган масалалар ҳам ана шу жараённинг изчил давомидир.

Хавфсизликни барқарорлаштиришнинг бош шартларидан бири эса, давлатимиз сарҳадларини ҳар қачонгидан-да мустаҳкамлашимизни, фуқароларимиз тинчлигини ўта зийраклик билан қўриқлашимизни тақозо этади. Ҳар қалай, донишманд ота-боболаримиз хўб топиб айтишган: "Шаҳар бедарвоза эмас". Ёхуд "Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма", деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ишончли чегаралар аслида диёримизни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан асровчи, ҳамюртларимиз осойишталигини, жамият тараққиётини таъминловчи омиллардан ҳисобланади. Биз ҳамиша бошқа давлатлар билан халқаро муносабатларимизни яхшилашни, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришни биринчи ўринга қўйиб келганмиз. Ва табиийки, бундан кейин ана шу қутлуғ анъанамизга содиқ қоламиз. Ўзбекнинг довруғини ҳар жабҳада оламга ёямиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.**

Сиёсий партиялар фракциялари ҳаётидан

# «Бошқа партияларга ён бермаймиз»

*Парламентимизнинг бугун бошланадиган X сессияси муҳокамасидан шундай қонун лойиҳалари жой олганки, у келажакда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади. Модомики шундай экан, бу ҳақда партия етакчилари қандай фикрда? Умуман, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар айни жараёнларга тайёрми? Мухбиримиз бу каби саволлар билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси раҳбари Турғунпўлат ДАМИНОВга мурожаат қилди.*

**— Ҳаммамизга маълум, Сиз етакчилигингиздаги партия шу вақтгача бўлиб ўтган парламент сайловларида нимагадир мамлакатимиздаги ФМДП ва ХДПга ҳамиша ён бериб келган. Биласиз, Олий Мажлиснинг бугун бошланадиган сессияси муҳокамасидан парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этишга қаратилган қонун лойиҳалари жой олган. Унга кўра, парламентимизнинг қуйи палатасига аъзо бўлиш учун сиёсий партиялар майдонга чиқади. Айтинг-чи, партиянгиз навбатдаги сиёсий тадбирларда ҳам яна шу икки партияга ён бериб қўйишидан чўчимайдими?**

— Йўқ. Аслини айтганда, бизнинг партиямиз сиёсий рақобат майдонида ҳали бирор марта бошқа партияларга ён бермаган. Аксинча, ҳамиша ўз қарашларини, ғояларини, мақсад ва маслакларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келган. Биргина мисол. Ўтган референдум арафасида партиямиз барча сафдошларимизга, хайрихоҳларимизга, тарафдорларимизга ва халқимизга мурожаат қилиб, ўз қарашларини, ўз позициясини аниқ-равшан билдирди.

Тўғри, биз икки палатали парламент тарафдоримиз. Чунки у сиёсий партияларни парламентчилик фаолиятини ҳар томонлама фаоллаштириб, партиямизнинг кўрилаётган масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кучайтиради, қарашларини аниқ-равшан ошкор қилишга, сайловчилар томонидан сиёсий фаолиятини тўғри баҳолашга, партия етакчи раҳбарларини, депутатларимизнинг аҳоли томонидан яхши танилишига кенг имкониятлар очади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали парламент тизимига ўтиш шароитида ҳар қандай сиёсий партия каби «Адолат» СДПнинг ҳам асосий вазифаси — парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларга яхши тайёрланиб, имконият борича ундан кўпроқ ўрин эгаллаш ва сайланган ваколат органларида ўз Дастурларидаги мақсадларини рўёбга чиқариш борасида профессионал тарзда иш олиб боришдир. Бу мақсадларга эришишда бошқа бирор партияга ён берилмайди. Аксинча биз ҳозирданоқ бу масалада тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз.

**— Сиз ҳам партия етакчиси, ҳам фракция раҳбари сифатида «Адолат» социал-демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи, йўли ва таъсири янада сезиларли бўлиши учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Биз партиямизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор ташкилий ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Жумладан, барча бўғиндаги партия ташкилотлари раҳбар органларини етук, ишбилармон, жонкуяр партия кадрлари билан таъминлаш, ташкилий-партиявий ишларни жонлантириш, халқимиз орасида ташкилий-амалий ишларни кучайтириш, партия сафларига халқ орасида обрў-эътиборли, илғор фикрли, сиёсий жиҳатдан етук, ғайратли фуқароларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Маълумки, партиянинг мавқеи, унинг обрў-эътибори, энг аввало, фуқаролар орасидаги ташкилий, тарғибот-ташвиқот ишларига боғлиқдир. Бу борада муайян ишлар амалга оширилаяпти. Яна муҳим ишлардан бири — бўлажак Парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда депутатликка номзод сифатида кўрсатиладиган партия фаоллари рўйхатини шакллантириб боришдир. Бундан ташқари партиямиз сайловолди дастурини ишлаб чиқиш бўйича тайёргарлик ишларини ҳам бошлаб юборган.

**— «Адолат» социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари Олий Мажлиснинг сессияси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларига муқобил таклиф бериш нияти борми?**

— Албатта. Олий Мажлиснинг сессияси муҳокамасига киритилган барча қонун лойиҳалари бўйича фракциямиз аъзолари ўз таклиф ва мулоҳазаларини парламентимизнинг ишчи гуруҳига топширди. Фракциямиз аъзолари 2003 йилги давлат бюджети лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари бўйича ўзларининг бир қатор муқобил таклиф ва истакларини билдирдилар.

**«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.**

# Қарашларимиз очиқ-ошкора

Фуқаролик жамиятини қуриш, бино қилиш ҳозир ва бундан кейин ҳам анча замонлар энг долзарб масалалардан бўлиб туради. Фуқаролик жамияти охир-оқибат бу тикланишларнинг энг юксак ва энг орзу қилинган, энг адолатли самараси бўлиб дунёга келажак. Шунинг учун биз "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг парламентдаги фракцияси олдида олис уфқларга довур чўзилиб ётган фаоллик майдонлари очилаётганлигини доим кўз ўнгимизда тутамиз ва яхши тасаввур қиламиз. Шундай экан, бу яратувчилик майдонларида ҳар қанча ишласангиз, оз. Ҳар қанча ҳаракат қилсангиз, кам.

Биз сиёсий партия сифатида шу тараққиёт уфқлари келажак сари бораётган йўлнинг бошгинасида турибмиз. Партиялар жамиятда очиқлик, ошкоралик манбаи. Гапнинг очиғини айтсак, ҳали халқнинг ҳаётига, маишатига, унинг жамият қурилишидаги ишларига реал таъсир ўтказган салмоқли ишларимизни санаб кўрсата олмаймиз. Бу жиҳатдан партиялар жамиятдан ҳам, халқ олдида ҳам ҳар жиҳатдан қарздор. Шунинг учун фуқаролик жамиятининг айни ўзи ҳақида эмас, уни шакллантириш тўғрисида фикр юритамиз. Борлиқ реаллигимиз шундай. Соғлом фикр чамаларимиз шундай. Тан олиб айтайлик, мақтанишда эмас, соғлом баҳолашда гап кўп. Куни кеча Сирдарёда бўлиб ўтган аччиқ таҳлиллар — Давлат раҳбарининг фикр йўналишлари — бизга шундай соғлом баҳолаш намунаси — танқидий тафаккурнинг ўрнак бўладиган меваси. Жуда қимматли намуна. Айниқса, сўз эркинлиги тамойиллари ҳаётимиз, фикрлаш тарзларимизга кириб ўрнашаётган бизнинг шароитимизда. Фуқаролик жамиятига тадрижий тарзда ўта боришнинг бир характерли белгиси, ёрқин нишонаси ҳам худди мана шунда — соғлом танқидий фикрлашда, ишнинг кўзини кўзлайдиган прагматизмда — демократик қадриятларга — уларни фақат эълон қилибгина қолмай, балки уларга ишонч билан мустаҳкам ўрнашди: "Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак". Ҳозир уйқуга, мудроқликка бериладиган замон эмас. Етакчи уйғоқ бўлса, уйғотади. Партияга аъзо бўлиб кирган киши маълум маънода етакчиликни ўз бўйнига олади. Бусиз мумкин эмас. Айниқса, парламентдаги партия фракциясида бусиз сира мумкин эмас.

Фракциялар қонунчилик фаолиятида реал иштирок этаркан, ўз қарашларини яшириб ўтирмай, очиқ-ошкора, эркин баён этади. Ўнинчи сессия кун тартибига киритилган масалалар устида парламентда қизғин иш кетган пайтда "Миллий тикланиш" фракцияси қонунлар, ҳужжатлар лойиҳаларини ўқиш, ўрганиш, уларни таҳлил этиш, такомиллаштириш жараёнларида иштирок этди.

Ўнинчи сессия кун тартибига "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида" конституциявий қонуни лойиҳаси киритилмоқда. Шунингдек, юқори палата — Сенат тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳам депутатлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Фракциямиз кейинги бир неча ойлар мобайнида Германиянинг Эберт фонди, ТАСИС Дастури билан биргаликда, "Бошқа фракциялар билан ҳамкорликда икки палатали парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг вазифалари ва ўрни ҳамда ваколатларига нималар киради?" деган саволга жавоб ахтарди. Парламентда сиёсий партия фракциясининг ваколат доирасига кирадиган ўттиздан ортиқ масалани қараб, ўрганиб чиқди. Улар ишчи гуруҳларда ҳар томонлама муҳокама қилингандан сўнг энг мақбул вариантлар саралаб олиниб, умумлаштирилди. Ўйлаймизки, бу қимматли тавсиялар парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг ваколатлари тўғрисида яратиладиган қонун ҳужжатига асос бўлиб хизмат қилади. Шуни ҳам айтиш кераки, халқаро миқёсда ўтган ушбу баҳс-мунозарага бой диспутлар бекор кетмади. Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Қонун лойиҳасида, унинг фракциялар фаолияти меъёрлари борасидаги моддаларида биз бунинг ифодасини кўрмоқдамиз. Бунда келтирилаётган мезонлар парламентда фракциялар фаолиятини кўп томонлардан аниқлаштиради, уларга жонли, таъсирчан иш олиб боришга ҳуқуқий замин яратади.

Фракциямиз, айниқса, Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан тайёрланган "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги муҳим қонун лойиҳасини ўқиш ва муҳокама қилишда фаол қатнашди. Қўмита билан биргаликда жойларда, таниқли журналистлар давраларида, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда унинг муҳокамаларида иштирок этди, бир қанча таклифларни қўйди. Уларнинг баъзилари эътиборга олинди ва баёнига аниқлик киритилишига асос бўлди.

"Миллий тикланиш" фракцияси, шунингдек, ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан сиёсий партиялар фаолиятининг ижтимоий, иқтисодий негизларини мустаҳкамлаш, партиялар обрў-эътиборини кўтариш долзарб вазифа бўлиб турганлигини доимо қайд этиб келмоқда. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунга ўзгартишлар киритиш, балки уни янгидан яратиш заруратга айланган. Бу масала партиялар, халқаро жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликда бир қанча семинарлар ва конференцияларда кўриб чиқилди. Фуқаролик жамияти интенсив шаклланиш жараёнига кирган бир даврда сиёсий партиялар тўғрисидаги янги — замон талабларини ҳисобга олган қонун тўлақонли, ҳозиржавоб, ташаббускор иш олиб боришимизга реал асос яратилишига шубҳа йўқ. Биз партия фракцияларининг аъзоларини икки баравар етакчи, деб қараймиз. Чунки фракция аъзолари ҳам парламентда, ҳам фракцияда, ҳам партиянинг ранг-баранг жамоат ишларида, ҳам жойларда сайловчилар ўртасида иш кўрадилар. Бу жиҳатдан Сирдарёда Эркин Донаев, Фарғонада Раҳматали Жалилов, Тошкентда ва Тошкент вилоятида Шарифа Салимова, Гуландом Боқиева, Ўткир Ҳошимов сингари депутатларимизнинг қонун яратувчилик, унинг ижро маданиятини кўтариш, Ўзбекистон Президенти тамонидан тақдим этилаётган тараққиёт, эркинлаштириш йўналишларини тарғиб қилиш, тушунтириш — аҳолининг турли қатламлари ўртасида кишилар билан жонли мулоқотлар олиб бориш, жамиятдаги ҳаракатларни фаоллаштириш борасида кўрсатаётган саъй-ҳаракатларини фракциямиз қиёфасини белгилайдиган ишлардан эканлигини таъкидлаб ўтишни истаймиз. Бу каби ишларсиз фракциямизнинг Олий Мажлис ва ундан ташқарида олиб бораётган фаолиятини етарлича тасаввур қилиб бўлмайди.

**Иброҳим ҒАФУРОВ, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси раҳбари.**

# Тўрачилик ўтмайди

***Олий Мажлиснинг X сессияси кун тартибига киритилган масалалардан бири «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири) лойиҳаси муҳокамасидир. Фарғоналик баъзи фуқаролар ҳам мазкур қонун лойиҳаси билан яқиндан танишиб, ўз мулоҳаза ва таклифларини билдирмоқдалар.***

**Ваҳобжон ТЕШАБОЕВ — фермер, Тошлоқ тумани Садда фуқаролар йиғинига қарашли Қақир қишлоғидан:**

— Мазкур қонун лойиҳасини фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатларига оид муносабатларни тартибга соладиган, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қиладиган муҳим ҳужжат деб ҳисоблайман.

Ўз ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг 10-моддасига таклиф киритмоқчиман. Мазкур моддада «фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш таъқиқланади» дейилган. Мен шу моддани «шундай ҳолатларга йўл қўйган мансабдор шахслар қонун йўли билан жазоланадилар», деб давом эттирилишини таклиф этаман. Тўғри, бу фикр лойиҳанинг 22-, 23-моддаларида ўз ифодасини топган. Лекин шу талаб 10-моддага киритилса, тўғри бўларди.

**Омонжон ХАЛИЛОВ — Тошлоқ тумани боғдорчилик ижара фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мен ҳам ижара муносабатларини йўлга қўйишда қатор муаммоларга дуч келаяпман. 20-моддада «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар» кўрсатилган. Модданинг учала банди ҳам фуқароларнинг манфаатига хизмат қилади. Лекин қабул қилинадиган қарорлар, ёзма мурожаатларни бажариш, ижро этиш муддати кўрсатилмаган. Муддат аниқ белгиланмас экан, мансабдор шахс эртага келинг, индинга келинг деган эски ашуласини такрорлайверади.

**Исмоилжон АКБАРОВ — тадбиркор:**

— Мен 7-8 йил аввал ариза ёзиб, туҳматчи деган тавқи лаънат орттиришимга бир баҳя қолган эди. Мен мурожаат қилган идорадаги амалдор шикоятим ҳали ўрганилмасдан, бу ҳақда иши текширилиши лозим бўлган кимсага етказиб улгурган экан. Мурожаатим акс таъсир кўрсатди, шаънимга бўҳтонлар айтилиб, туҳматлар уюштирилди. Ҳақиқат қарор топгунча, асаблар таранг тортди. Менимча, 5-моддага, яъни «Фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талаблар» моддасига «Агар шикоят фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари дахлсизлигига рахна соладиган бўлса, текшириш пайтида шикоятчининг шахси вақтинча сир сақланади», деган банд киритилса, маъқул бўлар эди.

**«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР ёзиб олди.**

